

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**"СКАРЛАТИНА" НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР**

ТОШКЕНТ 2025

«КЕЛИШИЛГАН»

Республика ихтисослаштирилган
эпидемиология, микробиология,
юқумли ва паразитар касалликлар
илмий-амалий тиббиёт маркази

директори **Б. М. Гаджиев**



“ _____ ” 2025 йил

**«СКАРЛАТИНА» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

ТОШКЕНТ 2025

Мундарижа

"СКАРЛАТИНА"НОЗОЛОГИЯСИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ
КЛИНИК ПРОТОКОЛ

.....**Ошибка! Закладка не
определена.**

"СКАРЛАТИНА"НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАРНИНГ МИЛЛИЙ
КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....34

"СКАРЛАТИНА"НОЗОЛОГИЯСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ
ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ.....41

**"СКАРЛАТИНА"НОЗОЛОГИЯСИНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛ**

1. Кириш қисми
МКБ-11 бўйича код:

A38.	Скарлатина; https://icd.who.int/browse11/l-m/ru https://mkb-10.com/
------	---

Протоколни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш санаси: 2025 йил, қайта қўриб чиқиш санаси 2028 йил ёки янги асосий далиллар мавжуд бўлганда. Такдим етилган тавсияларга киритилган барча ўзгартиришлар тегишли ҳужжатларда ёллон қилинади.

Ушбу клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқиш учун масъул муассаса:

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази

Клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқишга ҳисса қўшган мутахассислар:

Жараённи ташкил этиш тўғрисида юқумли касалликлар бўйича ишчи гуруҳ аъзолари:

- | | | | |
|----|---|--|---|
| 1. | Туйчиев Лазиз
Надиорович | Тошкент тиббиёт академияси
Юқумли ва болалар юқумли
касалликлари кафедраси мудири,
т.ф.д., проф. | Тошкент Тиббиёт
Академияси |
| 2. | Худайкулова
Гульнора
Каримовна | ТТА Жамоат саломатлиги ва
Менежмент кафедраси мудири, Ўз
Рес ССВ Болалар юқумли
касалликлари бўйича бош
мутахассис, т.ф.д., доцент | Тошкент Тиббиёт
Академияси |
| 3. | Рахматуллаева
Шахноза
Бахадировна | ТТА Юқумли ва болалар юқумли
касалликлари кафедраси доценти,
т.ф.д., доцент | Тошкент Тиббиёт
Академияси |
| 4. | Муминова
Махбуба
Тешаевна | ТТА Юқумли ва болалар юқумли
касалликлари кафедраси доценти,
т.ф.н., доцент | Тошкент Тиббиёт
Академияси |
| 5. | Фахриддинова
Дилафруз Махсуд
қизи | ТТА Юқумли ва болалар юқумли
касалликлари кафедраси ассистенти | Тошкент Тиббиёт
Академияси |
| 6. | Курбанова
Гульноза
Шукуровна | 1-шаҳар юқумли касалликлар
шифохонаси бош шифокори | 1-шаҳар юқумли
касалликлар
шифохонаси |

Асосий муаллифлар рўйхати:

1. Худайкулова Гульнора Каримовна - ТТА Жамоат саломатлиги ва Менежмент кафедраси мудири, Ўз Рес ССВ Болалар юқумли касалликлари бўйича бош мутахассис, т.ф.д., доцент

2. Рахматуллаева Шахноза Бахадировна- ТТА Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти, т.ф.д., доцент
3. Муминова Махбуба Тешаевна- ТТА Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти, т.ф.н., доцент
4. Хакимова Рано Шухратовна- 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси 2-бўлим мудири
5. Низамова Саодат Абдукодировна - Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази

Тақризчилар:

Ибадова Гулнара Алиевна

Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, юқумли касалликлар кафедраси т.ф.д., проф.

Абуова Гульжан Наркеновна

Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси АЖ юқумли касалликлар ва тери-таносил касалликлари кафедраси профессори, Чимкент, Қозоғистон

Клиник баённома олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон юқумли касалликлар ассоциациясининг таркибий аъзолари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари (РСНПМТСЕМИПЗ филиалларининг директорлари ва о'ринбосарлари), юқумли касалликлар хизмати тизимининг ҳудудий муассасалари шифокорлари иштирокидаги ишчи гуруҳнинг якуний йиғилишида норасмий келишувга эришилган ҳолда онлайн форматда 2023 йил 27 декабрь, 9-сонли баённома муҳокама қилинди ва тасдиқлаш учун тавсия этилди.
Ишчи гуруҳ раҳбари – т.ф.д., Туйчиев Л.Н.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Список сокращений

БГСА	Бета гемолитик стрептококк А
ЖССТ	Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти
ОТМ	Олий таълим муассасаси
МТС	Аҳолини мажбурий тиббий суғурталаш
ЎБЕ	ўткир буйрак етишмовчилиги
ССД	Средняя курсовая доза

ССК	Средняя курсовая доза
ОМС	орқа мия суюқлиги
ИТШ	инфекцион-токсик шок
ДПМ	даволаш профилактика муассасаси
ЎзР ССВ	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ПЗР	полимераз занжир реакцияси
ЭЧТ	эритроцитларнинг чўкиш тезлиги
УТТ	ультра-товуш текшируви
МАТ	марказий асаб тизими
ЭКГ	электрокардиография
ЭЭГ	электроэнцефалография

Баённома фойдаланувчилари:

Умумий амалиёт шифокорлари, терапевтлар, тез тиббий ёрдам шифокорлари / фельдшерлар, юқумли касалликлар бўйича мутахассислар, анестезиолог-реаниматологлар, педиатрлар, неврологлар, клиник ординаторлар, магистрантлар, тиббиёт олий ўқув юртларининг докторантлари.

Ушбу баённома жойларда қизамиқ касаллигини ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш учун асос бўлмоқда.

Ушбу нозологиядаги беморлар тоифаси:

скарлатина билан оғриган беморлар

Далилларга асосланган тиббиётга оид далиллар даражасининг шкаласи.

Ташхисот усуллари (ташхисий аралашувлар) учун далилларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи

ДИД	Таърифи
1	Референс усулидаги тадқиқотларни назорат остида тизимли кўриб чиқиш ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли кўриб чиқиш
2	Алоҳида референс тадқиқотларни назорат остида ёки алоҳида рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотлардан ташқари ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли кўриб чиқиш
3	Референс усулидаги тадқиқотларни кетма-кет назоратсиз ёки о'рғанилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усули билан тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлари
4	Қиёсий бўлмаган тадқиқотлар, клиник ҳолатни тасвирлаш
5	Фақатгина таъсир механизмининг асоси ёки эксперт хулосаси мавжуд

Профилактика, даволаш ва реабилитация тадбирлари учун далилларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи

ДИД	Таърифи
1	Мета-таҳлил ёрдамида РКТ ларни тизимли кўриб чиқиш

2	Алоҳида РКТ лар ва мета-таҳлил ёрдамида РКТ лардан ташқари ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли кўриб чиқиш
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан. когорт тадқиқотлари
4	Қиёсий бўлмаган тадқиқотлар, клиник ҳолатл ёки ҳолатлар церийасини тасвирлаш, «ҳолат-назорат» усулида тадқиқотлар
5	Фақатгина аралашувнинг таъсир механизми учун асос (клиник олди тадқиқотлар) ёки эксперт хулосаси мавжуд

Профилактика, тахислаш, даволаш ва реабилитация тадбирлари бўйича тавсияларнинг ишончлилиқ даражасини баҳолаш шкаласи

ТИД	Таърифи
А	Кучли тавсия (барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга ва уларнинг натижалари бўйича хулосалари изчил)
Б	Шартли тавсиялар (кўриб чиқилган барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим эмас, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга эмас ва/ёки уларнинг натижалари бўйича хулосалари мос келмайди)
С	Заиф тавсия (меъерий сифатли далилларнинг йўқлиги (кўриб чиқилган барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим эмас, барча тадқиқотлар паст услубий сифатга эга ва уларнинг натижалари бўйича хулосалари изчил эмас)

Асосий қисм.

1.1. Кириш

Скарлатина (МКБ-10 бўйича А38) - ҳаво томчи йўл орқали юқадиган А гуруҳга мансуб стрептококклар келтириб чиқарадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, иситма, интоксикация синдроми, маҳаллий лимфаденит билан кечувчи ўткир тонзиллит, майда нуқтасимон тошма, септик ва аллергия асоратларга мойиллик билан кечади

Стрептококк инфекцияси барча мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизими учун энг жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, бу А гуруҳга мансуб стрептококкларнинг кенг тарқалиши ва ушбу патология туфайли катта ижтимоий—иқтисодий зарар билан белгиланади. Стрептококк инфекцияси (СИ) биринчи навбатда болалар ва ўсмирларда касаллик келтириб чиқаради.

Стрептококк келтириб чиқарувчи касалликлар дунёда энг кўп қайд этилган касалликлар қаторига киради. ЖССТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 18,1 миллиони А гуруҳга мансуб стрептококклар келтириб чиқарадиган оғир касалликлардан, шундан 15,6 миллион киши ревматик юрак касалликларидан азият чекмоқда. Ҳар йили 1,8 миллионга яқин янги ҳолатлар қайд етилади, 500 000 дан ортиқ одам вафот этади ва бунга 11 миллиондан ортиқ стрептодермия ва 616 миллион фарингит ҳолатлари кўшилиши керак. Стрептококк табиатли ангиналар ўткир респиратор касалликлар таркибида гриппдан кейин иккинчи ўринни егаллайди.

Сўнгги ўн йилликда скарлатина енгил кечмоқда, аммо жиддий асоратлар, ҳатто ўлим хавфи сақланиб қолган. Касалхонага ётқизилган болалар орасида касалликнинг оғир шакллари йўқлигига қарамай, скарлатинанинг силлиқ бўлмаган кечиш шакли юқори фоизда сақланиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда стрептококк инфекциясининг (А гуруҳга мансуб β-гемолитик стрептококк (БГСА)) — бактеремия, сепсис, токсик шок синдроми, некротик фасцит, некротик миозитга олиб келувчи тарқалган шакллари частотасининг ошиши кузатилмоқда.

Дунёда стрептококк инфекциясининг инвазив шакллари камдан-кам ҳолларда рўйхатга олинади, аммо патологоанатомлар фикрига кўра, улар аслида кенг тарқалган, аммо бошқа ташхислар остида ўтишади. СИ нинг турли шаклларини кузатиш тизимининг йўқлиги, лаборатория базасининг заиф ривожланиши стрептококк инфекциясининг тарқалишининг ҳақиқий даражасини баҳолашга имкон бермайди ва кўплаб муаммоларни ҳал қилинмаган ҳолда қолдиради.

Шунга ўхшаш клиник кўриниш билан кечадиган касалликлар (псевдотуберкулёзнинг экзантемик шакли, дифтериянинг халқум шакли) билан

дифференциал диагностикасини ўтказишда қийинчиликлар мавжуд. Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, ташхислардаги номувофиқлик фоизи 5-9% ни ташкил қилади.

Бугунги кунга қадар мактабгача таълим муассасаларида скарлатина ўчоқлари сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолларда стрептококк инфекциясининг турли шакллариининг ўз вақтида аниқланмаслиги, бу жамоада А гуруҳга мансуб стрептококкларининг узок вақт айланишига олиб келади, шу сабабли стрептококк инфекцияси билан касалланишҳали ҳам тўхтамаган. Ҳозирги вақтда стрептококк инфекцияси ўчоқларида олиб борилаётган антиэпидемик чоралар кўпинча самарасиз бўлиб қолмоқда.

Юқорида айтилганларнинг барчаси стрептококк инфекциясининг клиник ва эпидемиологик хусусиятларини (скарлатина, ангина) спорадик касалланиш билан ҳам, уюшган болалар гуруҳларида ўчоқларнинг ривожланиши билан ҳам ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Таърифи:

Скарлатина-бу А гуруҳга мансуб β-гемолитик стрептококк (*Str. pyogenes*) келтириб чиқарувчи, умумий интоксикация белгилари, ўткир тонзиллит, маҳаллий лимфаденит, гиперемик тери фонида қипикланиш билан яқунланиши кичик нуқтасимон тошмалар билан тавсифланади.

Касаллик ер юзининг ҳамма қисмида кенг тарқалган, аммо мўътадил ва совуқ иқлими бўлган ҳудудларда кўпроқ учрайди. Скарлатинаниннг узок муддатли ва ойлик касалланишининг умумий даражаси ва динамикаси асосан мактабгача ёшдаги болаларнинг боғчаларга борган қисмида аниқланади. Ҳар йили болалар муассасаларига борадиган болалар уйда тарбияланган болаларга қараганда 3-4 марта кўп касал бўлишади. Бу фарқ ҳаётнинг дастлабки 2 йилидаги болалар гуруҳида (6-15 марта) кескин аниқланди, 3-6 ёш орасида эса унчалик сезилмайди. Худди шу гуруҳлар орасида "соғлом" бактериал ташувчиликнинг энг паст кўрсаткичлари қайд этилган.

Юқувчанлик индекси (контагиозлик) 40% ни ташкил қилади. Юқувчанлик болалик ва ўсмирлик даврида энг юқори бўлиб, антитоксик иммунитетнинг интенсивлиги билан аниқланади. Максимал касалланиш мактабгача ёшдаги болалар ва биринчи синф ўқувчиларида кузатилади. 1 ёшгача бўлган болалар транспласентал йўл билан олинган антитоксиннинг юқори титри туфайли жуда кам ҳолларда касалланади. Ҳозирги вақтда скарлатина аввалгига қараганда камроқ учрамоқда (жадвал. 1), ва касаллик нисбатан енгилроқ кечмоқда. Афтидан, бу жараёнга стрептококкнинг токсин ишлаб чиқарувчи штаммларининг тарқалиши, аҳолининг иммунитет даражаси ва антибактериал терапиянинг кенг қўлланилиши таъсир кўрсатади.

Антибактериал пенициллин терапиясидан фойдаланиш асоратлар сонини сезиларли даражада камайтирди ва ўлимга олиб келадиган ҳолатларнинг йўқолишига олиб келди. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, БГСА ҳозиргача пенициллинларга юқори сезувчанликни сақлаб келган.

1.3. Таснифи:

(В.Ф. Учайкин, Н.И. Нисевич, О.В. Шамшева, 2011 йил)

Тури	Оғирлик даражаси	Кечиши	Асоратларнинг табиати бўйича
• Типик	Енгил; Ўрта оғир; Оғир.	Силлик; Силлик бўлмаган (аллергик ва септик асоратлар билан)	<ul style="list-style-type: none"> • инфекцион-аллергик тип (нефрит, синовит, оддий лимфаденит); • йирингли (йирингли артрит, лимфаденит, отит, синусит, нефрит, синовит, мастоидит).
Атипик: <ul style="list-style-type: none"> • Белгиларсиз (тошмалар йўқ); • Гипертотксик; • Геморрагик; • Экстрафарингеал (яра, куйиш). 			

А. А. Колтипин томонидан таклиф қилинган скарлатина таснифида касаллик куйидагиларга бўлинади: **Тури, оғирлик даражаси ва кечиши.**

Тури бўйича:

- Типик
- Атипик (экстратонзилляр).

Оғирлик даражаси бўйича:

- Енгил даража;
 - Ўрта оғир даража;
 - Оғир даража.
- токсик
- септик
- токсико-септик

Оғирлик даражаси мезонлари:

- интоксикация синдромининг оғирлиги
- оғиз-ҳалқум шиллик қаватини зарарланиш даражаси
- экзантема синдромининг оғирлиги.

Кечишига кўра:

- Силлик (аллергик тўлқинлар ва асоратларсиз)
 - Силлик бўлмаган:
- асоратлар билан (аллергик, йирингли)
 - аллергия тўлқинлар билан кечиши
 - иккиламчи инфекция қўшилиши
 - сурункали касалликларни кўзгаши.

2. Диагностика усуллари, ёндашувлари ва процедуралари

2.1. Диагностика мезонлари

<https://cyberleninka.ru/article/n/skarlatina-1/viewer>

1) Шикоятлар ва анамнез, шу жумладан эпидемиологик:

Инкубацион давр скарлатинада ўртача 2-7 кун давом этади, бу давр бир неча соатгача қисқариши ёки 12 кунгача узайиши ҳам мумкин.

Касалликнинг бошланиши ўткир, интоксикация белгилари (бош оғриғи, қўнғил айниши, қусиш, иситма) ва томоқ шиллик қаватидаги ўзгаришлар — тонзиллит (ангина) пайдо бўлади. Скарлатина учун бодомсимон безлар, тил илдизи ва увуланинг ёрқин гиперемияси лекин қаттиқ танглай шиллик қаватига тарқаслиги билан тавсифланади, бу томоқ-халқум чегараланган гиперемияси деб аталади. Катарал, фолликуляр, лакунар ёки некротик ангина бўлиши мумкин. Умумий ва маҳаллий жараёнларнинг оғирлигига қараб, касалликнинг тегишли оғирлик даражаси аниқланади. Баъзида юмшоқ танглайда кичик қон кетиш изларини кўриш мумкин. Томоқ олди лимфа тугунлари касалликнинг 1-кунидан зич, катталашган ва ушлаганда оғриқли бўлади. Томоқ олди лимфа тугунларининг катталашishi томоқ-халқум шиллик қавати шикастланиш даражасига мос келади.

Касалликнинг авж олиш даври гиперемик тери фонида ёрқин пушти рангда, майда нуқтасимон тошмаларнинг юз, тана, қўл-оёқларда тошиши ва терининг табиий бурмаларида тошмаларнинг зич жойлашиши билан тавсифланади. Тошмалар интоксикация белгилари бошланганидан бир неча соат ўтгач (48 соатгача) пайдо бўлади. Бурун териси, лаблар ва ияк териси тошмаларсиз қолади. Рангпар тусдаги бурун-лаб учбурчаги бурун ва иякдаги бурмалар билан кескин чегараланган бўлади, бу скарлатина учун патогномоник белги бўлиб ҳисобланади ("Филатов учбурчаги"). N. F. Филатовнинг айтишича, касалликни беморнинг юзига қараб, уни ечинтириб кўрмасдан ёки суҳбат қилмасдан аниқлаш мумкин эди.

Лаблар қалинлашади, ёрқин қизғиш, қирмизи ёки гилос рангини олади, кейинчалик лабларда ёриқлар ва яралар пайдо бўлиши мумкин.

Кўпинча, беморга биринчи қарашда бутун терининг доимий қизариши таассуротлари пайдо бўлади. Бирок, яқинроқ текширилганда, тошма кичик нуқта ўлчамидаги зич жойлашган доғлардан иборат эканлигини кўриш мумкин.

Тошмаларнинг энг зич тошган жойларидаги териға механик таъсир қилганда, петехиялар пайдо бўлади, улар чизиқлар (Пастия чизиқлари) шаклида жойлашган бўлиши мумкин. Кичкина нуқта тошмаси билан бирга кичик папуляр, миляр ёки геморагик тошмалар ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Тилдаги ўзгаришлар динамикаси характерлидир: 1-2-куни у оқ караш билан зич қопланади, у орқали тилнинг катталашган қизил сўрғичлари кўринади, 2-3-кундан бошлаб тил учидан ва ён юзаларидан бошлаб тозалана бошлайди ва касалликнинг 4-кунига келиб у тўлиқ "сўрғичсимон" ("малинасимон тил" ёки "қулупнай тили") бўлади. Тилдаги ўзгаришлар касалликнинг 9-10 кунигача давом этади, шундан кейин тил аста-секин одатий кўринишиға қайтади.

Бу вақтда юрак-қон томир тизимиға симпатик нерв таъсири устунлик қилади (симпатикус босқичи). Тахикардия, юракнинг биринчи тонини кучайиши ва қон босимининг ошиши характерлидир. Терида оқ дермографизм пайдо бўлади.

Касалликнинг 3-4-кунларига келиб тошма тошиши камая бошлайди ва очариб, оч пушти рангга айланади.

4-5 кундан бошлаб вагус фазаси бошланади, унда брадикардия (брадиаритмия) яққол намоён бўлади, юрак тонларининг бўғилиши, юракнинг нисбий бўғиқлашиш чегаралари кенгайиши мумкин, қон босими пасайиши ("скарлатинаға хос юрак") кузатилади.

Қайта тикланиш даври касалликнинг 2-хафтасидан бошланади. Касалликнинг 1 - хафтаси охири-2-хафтаси бошида тошмалар кетганидан кейин терининг қипиқланиши билан тавсифланади.

Юз териси нозик кепаклар шаклида, тана, бўйин, қулоқ терисида қипиқланиш кепакка ўхшаш характерға эға бўлади, кафт ва оёқларда— эса қипиқланиш пластинкасимон шаклида бўлади. Типик скарлатина енгил, ўрта оғир ва оғир (токсик, септик, токсик-септик) шаклларда бўлиши мумкин.

Скарлатинанинг оғирлик даражаси интоксикация белгиларининг оғирлиги ва томоқ-халқум шиллиқ қавати ёки экстрафарингеал скарлатинада кириш дарвозасидаги маҳаллий яллиғланиш белгилари даражаси билан белгиланади (2-жадвал). Касалликнинг кечиши эса қайта тикланиш даврида баҳоланади.

2 жадвал. Скарлатинанинг оғирлик даражаларига боғлиқ клиник белгилар

Клиник белгилар	Скарлатина шакллари				
	Енгил	Ўрта оғир	Оғир даража токсик шакли	Оғир даража септик шакли	токсико-септик шакли
Иситма	38,0°C гача	40,0°C гача	40,0°C ва ундан юқори	40,0°C ва ундан юқори	Яққол ривожланган умумий интоксикация ва сепсис белгилари
Қусиш	Бир мартаба	Қайта-қайта	Кўп мартаба	Кўп мартаба	
Ангина	Катарал	Лакунар/ фолликуляр	Катарал кичик, юзаки некроз ўчоқлари билан	Тарқалган, чуқур некроз ўчоқлари танглай ва тилга ҳам тарқалади	
Интоксикация	Кучсиз	Ривожланган	Ривожланган (бош оғриши, хушнинг бузилиши, алаҳсираш, тутқаноқлар)	Ривожланган	
Тошма	Пушти ранг, нуктасимон	Кўп миқдорда, нуктасимон, тўқ рангда	Цианотик тус билан баъзан геморрагик бўлиши мумкин	Кўп миқдорда тошади	
Асоратлар	Камдан-кам	Кузатилиши мумкин	Симпатик парез, инфекцион-токсик шок ривожланиши мумкин	периаденит ва аденофлегмона бўлиши характерли, баъзан отит, мастоидит, этмоидит ривожланиши мумкин	

2). Касаллик анамнези:

- Скарлатина учун анамнезни йиғишда касалликнинг бошланиши табиати, иситма, унинг давомийлиги, безовталиқ, бош оғриғи, уйқу бузилиши, кўнгил айниши, қусиш, томоқ оғриғи (ангина), катарал белгиларнинг пайдо бўлиши, алаҳсираш, йиғлоқилиқ, уйқу бузилиши, маҳаллий лимфаденитнинг мавжудлиги ва касалликнинг 1-куни охирида ёки 2-кунида тошмаларнинг пайдо бўлганлиги хақида маълумотларни сўраш зарур.

3). Эпидемиологик анамнез:

С	<p>Касаллик манбаи — тонзиллит ёки А гуруҳга мансуб бетта гемолитик стрептококк келтириб чиқарувчи бошқа шаклдаги инфекцион касалликлар билан касалланган бемор.</p> <p>Юқиш механизми— аэрозол, юқиш йўли — ҳаво томчи. Инфекция одатда бемор ёки ташувчи билан мулоқотда бўлганда юқади. Инфекция озик-овқат ва билвосита алоқадан (ифлосланган қўллар ва уй-рўзғор буюмлари орқали) юқиши ҳам мумкин. Одамларнинг ушбу инфекцияга табиий сезувчанлиги юқори. Скарлатина антитоксик иммунитетга эга бўлмаган одамларда А, В ва С турдаги</p>
----------	--

пироген (эритроген) токсинларни чиқарадиган бактерияларнинг токсигеник штаммлари билан касалланганда пайдо бўлади.

2.2. Физикал текширувлар <http://niidi.ru/dotAsset/6023f9a9-0993-4e07-a4b8-742985c407c8.pdf>

С

- интоксикация синдроми (бош оғриши, кўнгил айниши, қайт қилиш, тана ҳароратини ошиши);
- ангина - типик шаклдаги скарлатинанинг доимий аломати бўлиб, у қаттиқ танглай шиллиқ қаватига тарқалмайдиган халқум шиллиқ қаватининг (бодомсимон безлар, увула) ёрқин гиперемияси билан тавсифланади. Скарлатинадаги ангина катарал, фолликуляр, лакунар ва некротик бўлиши мумкин;
- маҳаллий лимфаденит синдроми - (жағ олди ва жағ ости лимфа тугунларининг катталашиши);
- тошма "сепиб қўйиш" ходисасининг йўқлиги билан тавсифланади: яъни тошмаларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши бир неча соат ичида содир бўлади, кейинчалик янги элементлар пайдо бўлмайди; скарлатина билан тошма касалликнинг дастлабки 2 кунда пайдо бўлади, табиатига кўра у гиперемик тери фонидида пайдо бўладиган майда, нуктасимон бўлиб, табиий бурмаларда ва тананинг ён юзаларида зич жойлашади. Тошма ёноқ соҳасидаги юзда энг зич жойлашган бўлиб, бурун-лаб учбурчаги эса кескин оқариб қолади (Филатов белгиси Баъзида кичик нуктали тошма билан бирга кичик петехиал элементлар пайдо бўлади, шунингдек шаффоф ёки хиралашган суюқлик билан тўлган майда пуфакчалар пайдо бўлади (милиар тошма деб аталади). Скарлатинанинг оғир шаклларида тошма нафақат кўп, балки макуло-папулёз ёки геморрагик бўлиши ва цианотик тусга эга бўлиши мумкин. Одатда, тошма 3 кундан 7 кунгача давом этади ва кейин пигментацияни қолдирмасдан йўқолади. Йўқолгандан сўнг, бўйин ва қулоқ терисида майда кепакланишдан, оёқ ва қўл кафтлари, бармоқларида катта пластинкагача кузатилиши мумкин.
- Пастия симптоми – скарлатинада тошма тошиши даврида ва тошма йўқолганидан кейинги биринчи кунларда тери бурмаларининг (масалан, тирсак бурмалари соҳаси) тўқ қизил ёки жигарранг тусга кириши;
- Румпел-Леед ва Кончаловскийнинг симптоми - терини механик таъсирланганда терида петехияларнинг пайдо бўлиши;
- "малинасимон тил" симптоми - касалликнинг дастлабки кунларида болаларда тилини қалин қулранг-сарғиш караш билан қопланиши кузатилади. Касалликнинг 3-4 кундан бошлаб тилнинг ёнлари ва учидан бошлаб карашлардан аста-секин тозаланади, бунинг натижасида гипертрофияланган сўрғичли қатлами очилади. Тил ёрқин қизил рангга айланади, бу уни худди малинага ўхшатади ("малина тили" симптоми). Ушбу белги 1-2 ҳафта давом этади;
- "оқ дермографизм" симптоми - бета-гемолитик стрептококк токсинлари вегетатив асаб тизимига специфик таъсир кўрсатади, бу касалликнинг дастлабки 7 кунда симпатик асаб тизимининг с ошиши билан намоён бўлади (симпатикус

фазаси), сўнгра касалликнинг 2-хафтасида парасимпатик тизим тонуси ошиши билан алмашинади (вагус босқичи). Вегетатив асаб тизимининг тонусининг ошишининг клиник кўринишларидан бири бу периферик томирларнинг спазми ёки паралитик ҳолати натижасида юзага келадиган "оқ дермографизм" аломатидир;

- "скарлатина юраги" симптоми - скарлатинада юракдаги ўзгаришлар кўпинча касалликнинг 2-хафтасида ривожланади ва юракнинг нисбий бўғиқлик чегараларининг биров чапга кенгайиши, юрак чўққисиди ва 5-нуқтада систолик шовқиннинг пайдо бўлиши ҳамда брадикардияга мойиллик билан намоён бўлади. Чуқур текширувлар ўтказилганда экстракардиал сабабларни (юрак ўтказувчи тизимига токсик таъсирни) аниқлаш мумкин, бу "вагус фазаси" охирида клиник симптомларнинг тез йўқолиши билан тасдиқланади. Ушбу аломатлар узоқ давом этганда (3-4 хафтадан бошлаб) скарлатинанинг асоратлари сифатида юқумли миокардитга шубҳа қилиш мумкин.

Клиницистлар учун асосий фикрлар

<https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%80%D0%BB%D0%B0%D1%82%D0%B8%D0%BD%D0%B0/14849>

- Гиперемик тери фонида майда нуқтали тошма тошиши, иситма, томоқ оғриғи (ангина), оқ дермографизм, "малинасимон тил" каби характерли клиник белгиларнинг мавжудлиги,
- Эпидемиологик маълумотлар: касалланган бемор билан контактда бўлиш ёки скарлатина қолатлари учрайдиган эпидемиологик хавфли ҳудудда бўлиш.
- Лаборатор текширувлар.

Тавсиялар <http://niidi.ru/dotAsset/6023f9a9-0993-4e07-a4b8-742985c407c8.pdf>

Анамнезда даволанишни дарҳол бошлашга тўсқинлик қиладиган ёки ёндош касалликларга боғлиқ равишда даволашга ўзгартириш киритиш талаб қиладиган омилларни аниқлаш лозимлигини ҳисобга олиш керак. Бундай омилларга киритиш мумкин ҳолатлар:

- даволанишнинг ушбу босқичида ишлатиладиган дори воситалари ва материалларга нисбатан кўтара олмасликнинг мавжудлиги;
- даволанишдан вақтида беморнинг психо-эмоционал ҳолатининг нотурғун эканлиги;
- шифохонага мутахассисни жалб қилишни талаб қиладиган ҳаёт учун хавфли ўткир ҳолат/касаллик ёки сурункали касалликнинг зўрайиши мавжудлиги;
- даволанишни рад этиш.

1.3. Лаборатор текширувлар

А - скарлатина ва ёки экзантема ёки ангина билан кечувчи ҳар қандай бемор билан мулоқотда бўлиш, юқиш йўллари аниқлаш

<https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-techeniya-skarlatiny-u-detey-i-opyt-primeneniya-metoda-ekspress-diaagnostiki-streptatest/viewer>

Асосий лаборатор ташхисот:

А **Бурун-халқумдан БГСА учун суртма олиш:** бурун-халқум шиллик қаватидан БГСА ни аниқлаш. Ушбу усулнинг сезгирлиги тахминан 90% ни ташкил қилади. Суртма олиш ва уни лабораторияга транспортировкаси усулнинг сезгирлик даражасига сезиларли таъсир кўрсатади.

Экспресс-тест усули Бурун-халқумдан олинган суртмада БГСА полисахаридларининг антигенини аниқлайди, уни амбулатория шароитида шифокор хонасида ёки беморнинг ётоғида ҳам ўтказиш мумкин. Ушбу тест иммунохроматографияга асосланган чизиқлардан иборат. Тестнинг сезгирлиги 70-90%, спецификлиги 95%га тенг. Ушбу тестнинг юқори спецификлиги шуни кўрсатадики, камдан-кам натижалар нотўғри мусбат бўлиши мумкин. Шу сабабли экспресс тестнинг мусбат натижасида стрептококк инфекцияси ташхисини тасдиқланган деб ҳисоблаш мумкин ва мманфий натижа билан эса БГСА мавжудлигини истисно қилиб бўлмайди ва суртмани экиб кўриш зарур бўлади.

Иммунофермент анализи ёрдамида қонда IgM (касалликнинг эрта босқичида) ва IgG (касалликнинг кеч босқичларида) антитаначалари аниқланади;

Молекуляр генетик усул (ПЗР). Скарлатинанинг клиник белгилари мавжуд бўлган беморларда қўзғатувчини аниқланади.

Серологик текширув

А Антистрептолизин О (АСЛО), антистрептокиназа, антидеоксирибонуклеаза Б, антигиалуронидаза титрини аниқлаш. Ушбу белгилар ретроспектив ташхис кўйиш имконини беради ва касалликнинг ўткир даврида скарлатина ташхиси учун мос эмас.

АСЛО миқдорининг кўпайиши аввал бўлиб ўтган СГА инфекциясини кўрсатади ва сурункали тонзиллит, гломерулонефритда ҳам учрайди. АСЛО даражаси СГА инфекциясидан кейин 1-3 ҳафта ичида кўтарила бошлайди, 3-5 ҳафтагача чўққига чиқади ва кейин 6-12 ой ичида аниқланмайдиган даражага қайтади, шунинг учун ижобий тест нафақат айна вақтдаги стрептококк инфекциясини кўрсатиши мумкин, балки аввалроқ ўтказилган (А, С ва G гуруҳларининг стрептококклари сабаб бўлган) касалликни ва пост-стрептококк инфекциясининг асоратларини аниқлаш учун хизмат қилиши мумкин. Антитаначалар титрини динамикада текшириб туриш, ушбу текширувни бир маротаба ўтказиб антитаначалар титрини теекширишга қараганда инфекцияни бўлиб ўтгани хақида ишончли маълумот беради. Шунинг учун, дастлабки текширувдан 10 кун ўтгач, текширувни яна такрорлаш тавсия этилади.

Антидезоксирибонуклеаза В нинг титри АСЛО титри билан биргаликда у СГА инфекцияларини 95% гача аниқлай олади, фақат АСЛО титри билан эса 80% га инфекцияни аниқлаш мумкин.

Умумий қон таҳлили:

С
5 Бактериал инфекцияга хос ўзгаришлар қайд етилади: лейкоцитоз (12-16 хужайра/л), чапга силжиган нейтрофилоз, ЭЧТ нинг ошиши. 2-хафта давомида эозинофилия ривожланиши мумкин, кўрсаткич 20% гача кўтарилиши мумкин.

- енгил даражада: кучсиз ривожланган лейкоцитоз, нейтрофилез, ЭЧТнинг бироз ошиши;
- ўрта оғир даража: ўртача ривожланган лейкоцитоз, нейтрофилез, ЭЧТнинг ошиши;
- оғир даража: яққол ривожланган лейкоцитоз, нейтрофилез, ЭЧТнинг ошиши.

Умумий сийдик таҳлили:

С
5 Гломерулонефрит ривожланиши билан сийдикдаги оқсил, лейкоцитлар ва эритроцитлар миқдори ошади ва сийдикда цилиндрлар пайдо бўлади

Нечипоренко/Зимницкий бўйича сийдик таҳлили

С
5 Гломерулонефрит, пиелонефрит ривожланиши билан

1.4. Инструментал текширувлар:

Қорин бўшлиғи аъзолари УТТ:

С
5 Буйрак УТТ (нефритда)

ЭКГ:

С
5 Юрак-қон томир касалликлари бўлган ёки бўлмаган беморлар, юрак зарарланишини эрта аниқлаш учун (ўртача оғир ва оғир даражадаги скарлатинада)

Кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси:

С
5 Кўкрак қафаси аъзоларининг зарарланишига шубҳа қилинган беморлар

Бурун атрофи бўшлиқлари рентгенограммаси:

С
5 Параназал синусларнинг шикастланишига шубҳа қилинган беморлар

1.5. Мутахассислар кўриги учун кўрсатмалар

С
5 невропатолог кўриги - агар менингеал белгилар ёки талвасалар пайдо бўлса

С
5 анестезиолог-реаниматолог кўриги — нафас олиш бузилишларида, полиорган етишмовчиликда
кардиолог кўриги — миокардит белгиларида


С
5 нефролог кўриги - буйрак функцияси бузилганда

С
5 аллерголог кўриги - териға ва шиллик қаватға бошқа турдаги тошмалар қўшилишида

2) таъхислаш алгоритми:

<https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%80%D0%BB%D0%B0%D1%82%D0%B8%D0%BD%D0%B0/14849>

Шифокор ҳаракатларининг алгоритми



3) қиёсий таъхисот ва қўшимча тадқиқотлар учун асослар:

<https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%80%D0%BB%D0%B0%D1%82%D0%B8%D0%BD%D0%B0/14849>

Скарлатинанинг қиёсий ташхисоти

А 1	<ul style="list-style-type: none"> -аллергодерматит; -қизамиқ; -псевдотуберкулёз; -қизилча; -менингококкцемя; -сувчечак; -энтеровирусли экзантема. -инфекцион мононуклеоз -Кавасаки синдроми -дифтерия
----------------	--


Дифференциал диагностика ва қўшимча текширувларни асослаш.

Аломатлар	Скарлатина	Сохта сил касаллиги	Қизамиқ	Қизилча	Менингококк ксемя	Сувчечак
Продромнинг мавжудлиги	Йўқ	Йўқ	бор, 3-4 кун	йўқ ёки 1-2 кун	Йўқ	йўқ
Тана ҳарорати	фебрил 3-5 кун	фебрил 4-6 кун	субфебрил 3-4 кун, кейин фебрил 3 кун	нормал ёки субфебрил 2-3 кун	фебрил 5-7 кун	Субфебрил ёки фебрил 3-5 кун
Юқори нафас йўллариинг катарити	йўқ	ифодаланган	ифодаланган	суст ифодаланган	йўқ	йўқ
Ангина	характерли (катарал, лакунар, некротик)	катарал	катарал	йўқ	йўқ	йўқ
Конъюнктивит	йўқ	склерит	характерли	камдан кам	йўқ	йўқ
Интоксикация	ўртача ифодаланган, 3-5 кун давом этади	ўртача ифодаланган	кучли ифодаланган 6-8 кун давом этади	Суст ифодаланган ёки йўқ	кучли ифодаланган, 3-5 кун давом этади	суст ифодаланган, 3-5 кун давом этади
Тошма пайдо бўлиш вақти	1-2 кун давомида	2-3 кун давомида	4-5 кун давомида	1-2-куни	1-2 кун давомида	1 кунда

Тошма ортиши давомийлиги	1 кун	1-2 кун	3 кун босқичли: юз-тана-мучалар	1-2 кун	1-2 кун	3-5 кун тўлқинсим ммоон
Тошма табиати	нуқтали, тўпланиш жойларида — петехиал, гиперемик фонда	нуқтали, тўпланиш жойларида — петехиал, гиперемик фонда	макулопа пуляр, қўшилиш га мойил	Аксарият ҳолларда доғли	геморрагик, нотўғри шаклли, марказий некроз билан	"ёлғон полиморфизм": доғ-папула-везикула-қобиқ
Тошманинг асосий жойлашуви	табiiй бурмалар, тананинг латерал юзалари, мучаларни букилувчи юзалари; назолабиал учбурчак соҳасида йўқлиги	"капйушон", "қўлқоп", "пайпок" белгилари	севимли локализацияси йўқ	энг кўп думбаларда, оёқ-қўлларнинг ёйилувчи юзаларида	айниқса думба ва оёқлар соҳасида	севимли локализация йўқ
Пигментация	йўқ	йўқ	характерли	йўқ	йўқ	йўқ
Қипиқла ниш	йирикпластин касимон-кафтларда, оёқларда, танада-кепаксимон	йирикпластин касимон-кафтларда, оёқларда, танада-кепаксимон	кепаксимон	йўқ	йўқ	йўқ
